

Жиноят Иши Доирасида Адвокатнинг Қонун, Қарама-Қарши Тараф Ва Ҳимоячи Мақсади Орасида Мувозанатни Сақлай Олиши Масалалари

Шерзод Мадиев
Адвокат, Бухоро шаҳри

Аннотация: Мазкур мақолада жиноят ишлари бўйича ўтказилувчи процессуал жараёнларда адвокатнинг қонунларимиз талаблари, ҳуқуқ тартибот ва суд идоралари ходимлари ва ҳимоячининг ўз мақсади ҳамда вазифалари орасида мувозанатни сақлаши масалалари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: адвокат, жиноят иши, суд жараёни, қонун, тергов, мувозанат.

КИРИШ

Мамлакатимизда адвокатлар фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 142-моддаси, 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган “Адвокатура тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 2018 йил 12 май куни Президентимиз томонидан имзоланган “Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора -тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5441-сонли Фармон, жиноят -процессуал кодексининг 53-моддаси ва бошқа бир қатор нормалар билан белгилаб қўйилган.

Таъкидлаш лозимки, қонунларимизда адвокат ўз вазифасини бажараётган пайтда унинг ишларига аралашиб ман қилинган бўлса, Адвокатларнинг касб этикаси қоидалари, адвокатлик сири ва адвокат қасамёди каби касбий нормаларда- фуқаролар ва юридик шахсларга ўз ҳимоясини тақлиф қилувчи адвокатларга ўз вазифасига чуқур ёндашиш, вазифасини чин дилдан севиш, уни етарли даражада билиш, юқори даражадаги ахлоққа эга бўлиш, одамларни эшита олиш, хушмуомалалик, нотиклик маҳорати, сир сақлай олиш, пунктуаллик ва стрессга етарли қаршилик кўрсата олиш каби талаблар қўйилган.

Кўрсатилган нормалар ва қоидалардан келиб чиқиб, қуйида жиноят ишлари доирасида қонунлар, ҳуқуқ-тартибот ҳамда суд идоралари ва адвокатнинг вазифалари (мақсади) орасидаги мувозанатни сақлаши масаласини таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

АСОСИЙ ҚИСМ

Тергов органлари ва судларнинг асосий вазифаси - жиноий ишларни кўриш жараёнида гумонланувчи (айбдор, судланувчи)нинг айби ёки айбсизлигини ҳар томонлама, тўлиқ ва объектив баҳолаш экан, мазкур вазифа адвокатларнинг мақсадига қарши эмаслигини таъкидлаб ўтиш лозим. Бу ўринда ҳуқуқ-тартибот органларининг айрим ходимлари томонидан адвокатларга нисбатан паст назар билан ёки уларга рақиб сифатида қараш билан боғлиқ собиқ совет тузумидан қолган иллатни бартараф қилиш зарур.

Жиноят ишлари бўйича тергов ва судлов- мураккаб жараёнлар сифатида ўзига хос хусусиятларга эга. Бунда судьяларнинг дахлсизлиги, уларнинг фақат қонунларга бўйсунушлари, прокурорларнинг назор ва айблов орасидаги объектив ҳаракатлари, терговчиларнинг адолат принципларига бўлган ижобий муносабати, адвокатларнинг эса юқори малакаси, таҳлилчи сифатидаги маҳорати муҳим роль ўйнайди. Адвокатларнинг бу

жараёнларда айбланувчи (судланувчи)нинг айбдорлиги ва айбсизлиги аниқлашдаги мувозанатни сақлаш борасидаги роли қуйидаги муҳим вазифаларни юқори даражада бажара олиш билан боғлиқ:

- тергов материалларини биринчи кунданок чуқур ўрганиш;
- тергов сирини сақлашга масъулият билан ёндашиш;
- терговчининг ҳар бир процессуал ҳаракатини қонун асосида таҳлил қилиб бориш;
- адвокатнинг исботлаш субъекти эканлигини инобатга олган ҳолда, ҳимоя остидаги шахснинг айбсиз эканлигини исботловчи далилларни фаол қидириш;
- айблов ҳулосасига ҳимоячи сифатида, аммо ҳолисона баҳо бериш;
- ҳимояси остидаги шахсни суд жараёнига етарли даражада тайёрлаш;
- прокуратура вакили ҳаракатларини назор ва айбловчи орасидаги муносабатлар мувозанатининг сақланиши нуқтаи назаридан баҳолай олиш;
- суд жараёнининг биринчи дақиқаларидан бошлаб, судьяларнинг процессуал қоидаларга амал қилишини фаол кузатиш;
- ўз ҳаракати, нутқлари ва саволларини процессуал қоида ва қонунларга амал қилган ҳолда амалга ошириш;
- суд жараёни қайси йўналишда олиб борилаётганини дастлабки ярим ёки бир соат давомида англаб етиш;
- ҳимоя стратегиясини ҳам қидирув, ҳам таҳлилий йўналишда ташкил қилиш;
- зарур ҳолатларда ишга махсус соҳалар мутахассисларини гувоҳ-эксперт сифатида жалб қилиш;

Юқорида кўрсатилган вазифаларни тўғри англаган ва уларга амал қилган адвокатлар мазкур масаларни ечишда юқори натижаларга эришиши мумкин бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, жиноят иши доирасида, ҳимоячилар қарама -қарши тараф ва ўз мақсади йўлидаги мувозанатни сақлаш учун қонунга хилоф бўлмаган қуйидаги усулларни қўллашлари мумкин бўлади:

- тергов даврида инобатга олинмаган адвокат таклифларини судда кўриш бўйича расмий илтимосноманинг суд протоколига киритилишини сўраш;
- тергов материалларига киритилмай қолган, аммо, адвокатнинг фикрича, ишга алоқаси бўлган ҳужжатларни суд материаллари ва протоколига қўшиш бўйича таклиф киритиш;
- бошқа жиноий ишлар билан боғлиқ бўлган эпизодлар ва улар асосида қабул қилинган қарорлар бўйича (ўхшашлик принципи"ни тан олмаган ҳолда), мисол тариқасида таклифлар билдириш;
- тергов доирасида назардан четда қолган ёки билдиришга улгурилмаган далилларни суд жараёнида расмий равишда ўрганиш ва протоколга киритиш бўйича таклиф киритиш;
- иш бўйича қўшимча маълумотларни талаб қилиш юзасидан судга илтимосномалар киритиш; мазкур илтимосларни протоколга киритишни сўраш;
- тергов ва судлов жараёнида процессуал нормаларнинг бузилаётгани ҳақида прокуратура органларига расман мурожаат қилиш;
- тергов ва суд жараёнларида иштирок этолмаган шахсларнинг фикрлари ҳамда зарур маълумотларни уларнинг адвокатларини сўроқ қилиш орқали олишни таклиф қилиш; [zakon.RU -7].

Адвокатларга суддан олдин томонларни яраштириш, мурасага келтириш, низоларни ҳал қилиш, шунингдек ҳакамлик судьяси сифатида фаолият юрита олиш каби ҳуқуқларнинг

берилиши, адвокатларнинг қонун ва мақсад орасидаги мувозанатни сақлашида муҳим аҳамият касб этади. Бу нормалар фақат фуқоролик ва маъмурий судлардаги фаолият учун зарур эканлиги ҳақида фикр юритган адвокатлар, ҳуқуқ-тартибот ва суд идоралари ходимлари хатога йўл қўйган бўлади. Албатта, адвокатнинг зиммасига жиноятчини қонуний жазодан асраб қолиш вазифаси юкланмаган. Аммо, қабул қилинган қонунлар, юқорида номи тилга олинган Фармон талаблари- адвокатларнинг жиноят ишларини тергов қилиш ва судларда кўришда фаол ва объектив бўлиши, ҳимоя остидаги шахснинг айбдорлиги ва айбсизлигини баҳолаш жараёнидаги мувозанатни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Тажрибали адвокатлар тергов органи фаолияти натижаларидан норози бўлган тақдирда, судлов жараёнида терговчининг айблов органи вакили эмас, балки ҳақиқатни аниқловчи ходим эканлиги таъкидлаган ҳолда, унинг ушбу принципни бузганлигини, процессуал ҳолатга келтирилган оператив маълумотларни чуқур ўрганиш асосида тезкор ходимларнинг фақат терговчининг айблов йўналишидаги топшириқларини бажариб келганлиги исботлашлари мумкин бўлади. Бунинг учун адвокат тергов органи материалларини чуқур ўрганиши, айблов ҳулосасидан ўрин олган далилларнинг ҳар бирини етарлича таҳлил қилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора -тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида адвокатнинг “билими етмаслиги, ўзининг касбий мажбуриятларига виждонсиз муносабатда бўлиши сабабли адвокатлар томонидан Адвокатларнинг касб этикаси қоидалари талаблари, адвокатлик сири ва адвокат қасамёдини бузиш ҳоллари кўплаб учрамоқда”, деб таъкидланган, [LexUZ -3].

Шу сабабли адвокатларнинг ўз касбий маҳоратини ошириш учун етарли даражада иш олиб боришлари, бу борада Адвокатлар палатаси ҳам қонунчиликдаги янгиликларни, Олий Суд пленуми қарорларини, махсус курслар ва зарур ҳолатларда- режа асосидаги машғулотлар орқали адвокатларга ўз вақтида етказиб бориши ниҳоятда муҳимдир. Бу масалада “Адвокат” ихтисослашган илмий -амалий журналининг ролини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Назарда тутиш керакки, Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддасида “адвокат ўз билимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, Адвокатлар палатаси томонидан белгиланган тартибда уч йилда камида бир марта касбий малакасини ошириши шарт” эканлиги белгилаб берилган, [LexUZ -2]. Мазкур талабнинг етарли даражада бажарилиши юқоридаги Фармонда кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф қилишда муҳим роль ўйнайди.

Юқоридаги қонунлар талаблари асосида, адвокатларни қайта тайёрлаш жараёнида ушбу масалаларга эътибор бериш- тергов ва жиноий ишларни судлар томонидан кўрилиши босқичида адвокатлар фаолиятини такомиллаштириш учун муҳим омиллардан бири.

Жиноят-процессуал кодексининг 53-моддасида ҳимоячининг процессуал жараёндаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилган бўлиб, унда адвокатнинг “суриштирув ёки дастлабки тергов тамом бўлганидан кейин... жиноят ишини барча материаллари билан танишиш” ҳуқуқи акс эттирилган,

[ЖПК-5]. Фикримизча, ушбу қонун нормасига ўзгартириш киритиб, унда ҳимоячининг хоҳлаган пайтда жиноят иши материаллари билан танишиши мумкинлигини киритган ҳолда, бу жараёнда адвокатнинг тергов сирини ошкор қилиш бўйича жавобгарлигини белгилаш лозим. Қонунга киритилган бундай ўзгариш, гумонланувчи ёки айбланувчининг айбдорлиги ва айбсизлигини белгилашдаги мувозанатни сақлаб қолишга ёрдам беради, деб ҳисоблаймиз.

Жиноят иши бўйича суди жараёнларида адвокатга мобил алоқа воситалари ва компьютерлардан ҳеч қандай тўсиқларсиз фойдаланиш, қонун доирасида ҳар қандай илтимосномалар ва раддияларни тақдим қилиш, судларни ўтказиш вақтини белгилашда адвокатлар фикрини ҳам инobatга олиш каби қоидалар-илмий, амалий ва чет эллардаги судлов тизимлари тажрибасини чуқур таҳлил қилиш маҳсули эканлигини алоҳида таъкидлаш

лозим. Ушбу нормалар жиноят ишлари бўйича процессуал жараёнларда ҳақиқатни аниқлаш йўлидаги айбсизлик презумпциясига амал қилиш билан боғлиқ муҳим омилдир.

ХУЛОСА

Мамлакат ҳуқуқ тизими миқёсида адвокатлар ролини ошириш - ҳозирги даврнинг муҳим талаби бўлган ҳолда, юртимизда қонун устиворлигини таъминлаш, демократик жараёнларни тезлаштириш учун муҳим аҳамиятга эга. Бу соҳада чет эл тажрибасини мукамал ўрганиш, қонунчиликни такомиллаштириш зарур.

Адвокатлик институтига бўлган талабни кучайтириш, адвокатларни замон талабларига эътибор берган ҳолда қайта тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Ҳимоячининг малакаси- жиноят иши бўйича ўтказилувчи процессуал жараёнларда муҳим аҳамият касб этишини доимо назарда тутиш лозим.

Адвокатнинг мавқеи омили эса ижтимоий адолат принципларининг жиной-процессуал жараёндаги муҳим қисмидир. Ҳимоячининг қонун ва ўз мақсадини амалга ошириш орасида ҳуқуқий мувозанатни сақлай олиши- қонунларимизнинг мукамаллигига, айниқса ҳимоячининг малакасига, унинг таҳлилчили сифатидаги қобилятига, меҳнатсеварлигига биринчи навбатда боғлиқ эканлиги доимо эътиборда бўлиши лозим.

Адвокат ишининг маҳсули-судланувчига нисбатан чиқарилган оқлов ҳукми ёки жазонинг энгиллашуви билан баҳоланишини назарда тутиш керак. Бу ўринда тергов ва суд жараёнларида ЖПКнинг 22 ва 23-моддалари (ҳақиқатни аниқлаш ва айбсизлик презумпцияси)-адвокат учун муҳим процессуал қуроллар эканлигини доимо эсда сақлаш лозим.

Шу билан биргаликда ҳақиқий жиноятчи жазодан қутилиб қолишига сира йўл кўйиб бўлмайди, бундай ҳолат Президентимиз томонидан таъкидланган “қонун устиворлиги ва жазо муқаррарлиги” принципига, умуман қонунларимизга зиддир.

Фойданилган адабиётлар ва бошқа манбалар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Yuridik Adabiyotlar Publish", МЧЖ, Т., 2023,102-б
2. Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуни, Т., 1998, LexUZ нашри
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора -тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5441-сонли Фармони., Т.,2018, LexUZ нашри
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора -тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 12 майдаги ПФ-5441-сон Фармонини амалга ошириш тўғрисида”ги қарори, Т.,2018, LexUZ нашри
5. "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят- процессуал Кодекси", "Yuridik Adabiyotlar Publish", МЧЖ, Т., 2020, 11-12, 37-39-б
6. "Бу адолатга киришни чеклайди" Адвокат -терговчилар ва ҳимоячилар имкониятлари тенгсизлиги ҳақида., 02.07. 2024,Газета.UZ телеграм канали
7. Гривцов, А.“Нестандартные приёмы защиты по уголовным делам”, 02.10.2024, zakon.RU телеграм канали
8. "Суд ишени адолатли кўриб чиқишга оид халқвро стандартлар ва Ўзбекистон Республикаси жиноят процесси", ҳуқуқшунослар учун амалий қўлланма"Женева-2011, icj. org (таржима-Т,2017)
9. "Судьялар, адвокатлар ва прокурорларнинг мустақиллигига доир халқаро тамойиллар", 1-сонли амалий қўлланма, Женева- 2007, icj. org (таржима-Т,2017)